



Буюк тарих ва замонавий дунё туташган муаззам манзил - Самарқанд яна бир бор жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига қаратмоқда. Бу ерда эртага ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўз ишини бошлайди.



ЮНЕСКОНИНГ 14-ЁШЛАР ФОРУМИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ



► (Давоми 7-бетда)

34 ЙИЛ БИРГАМИЗ!



ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТОБЛАНГАН СИЁСИЙ КУЧ

Бундан 34 йил аввал мустақил Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида Халқ демократик партияси бекиёс аҳамиятга эга бўлган сиёсий куч сифатида тарих сахнасига чиқди.

Мустақилликнинг илк кунларида, яъни, 1991 йил 14 сентябрда фидойи фаоллар гуруҳи ижтимоий адолат ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ифода этадиган сиёсий ташкилот тузиш ташаббусини илгари сурди. Айнан шу тарихий қадам билан янги, мустақил Ўзбекистонда илк сиёсий партия — Ўзбекистон Халқ демократик партиясига асос солинди.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ



ПАРЛАМЕНТДА

МАСАЛА, МУҲОКАМА, ЕЧИМ ҚУЙИ ПАЛАТА КУН ТАРТИБИДАН НИМАЛАР ЎРИН ОЛДИ?

Ҳар бир ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун тифиз ва муҳим мажлислар билан бошланади. Янги етти куннинг душанбасида фракциялар ўз электорати, сайловчилари манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилади. Табиийки, кўп ҳолларда қонун ташаббускорлари эътирозларни хурсандчилик билан қабул қилмайди. Бу ҳафта ҳам қизғин баҳслар билан бошланди.

Кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисда бир нечта қонун лойиҳалари қизғин муҳокамалар асосида кўриб чиқилди.

► (Давоми 2-бетда)

ИНКЛЮЗИЯ ОРЗУ ЭМАС, ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсон эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадларини рўйбга чиқармоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ЁШЛАР НИГОҲИ

ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНING САЛМОҚЛИ ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ, ЭНГ БЕБАҲО РЕСУРС ҲИСОБЛАНГАН ЁШЛАРИМИЗ БУГУН ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА ҚАТЪИЙ АҲД ҚИЛГАНЛАР. ШУ БИЛАН БИРГА, УЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРГА, ЯНГИ СУРЪАТ ВА МАЗМУНДАГИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАС. БУ ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА.

► (Давоми 7-бетда)

ОБУНА — 2026



«ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИ»
ГАЗЕТАСИГА
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭНДИ «ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА

CLICK ВА Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ПАРЛАМЕНТДА

МАСАЛА, МУҲОКАМА, ЕЧИМ ҚУЙИ ПАЛАТА КҮН ТАРТИБИДАН НИМАЛАР ЎРИН ОЛДИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

СУД ЭКСПЕРТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Депутатлар дастлаб “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий фаолият билан шугўлланувчи муассаса (ташкilot)ларнинг ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишига рухсат бериш назарда тутиляпти. Шунингдек, суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказишда илғор хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида суд экспертизасини тайинловчи органга (шахсга) ўз ташаббуси билан ёки давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг илтимосномасига асосан суд экспертизаси соҳасидаги хорижий давлат мутахассисларини суд эксперти сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундан ташқари, адвокатнинг сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш ва экспертлик фикрини бериш тартиблари назарда тутилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятининг янада ишончилигини ошириш мақсадида аккредитация ва валидация институтларини жорий этиш қонун лойиҳасида акс этмоқда. Қолаверса, нодавлат суд экспертларини бирлаштирувчи, уларга яқиндан ёрдам берувчи Суд экспертлари палатасини ташкил этиш ҳамда унинг вазифалари белгиланяпти.

Мажлисда депутатлар томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ўрганиб чиқилгани ҳамда лойиҳани ишлаб чиқишда инобатга олингани алоҳида қайд этилди.

Мазкур қонун лойиҳаси суд экспертлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, экспертиза хулосаларининг ишончилигини янада оширишга қаратилган.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

УЧ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТУТАШГАН НУҚТА

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартномани (Хўжанд, 2025 йил 31 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилмоқда.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси билан сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси тубдан ўзгариб, янги қиёфа касб этди. Конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Ёпиқ чегаралар, ҳал етилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди. Бугунги кунда яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларга таянган Марказий Осиё вужудга келди.

Бу борада уч мамлакат ўртасида чегара масалаларининг ҳал этилиши – ўзаро ҳурмат, суверенитет, тенглик



тамоийлларига асосланган айнан ушбу кўп йиллик машаққатли меҳнат, самимий мулоқот ва ҳамкорлик самарасидир. Айни дамда, ушбу шартнома бутун минтақанинг яқинлашувида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шартнома 2025 йил 31 мартда Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида имзоланган. Унга кўра, уч давлатнинг чегаралари туташган нуқтанинг жойлашуви ҳамда туташган нуқта ҳудудида давлат чегаралари чизикларининг ўтиши аниқланди.

Мазкур шартнома уч қардош мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига, бутун Марказий Осиё минтақаси халқаро нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

Шартнома шунингдек, уч давлат фуқаролари ўртасидаги алоқаларнинг жадаллашувиغا, чегарадош ҳудудлар иқтисодий ҳамкорлигининг кучайишига, чегараолди савдонинг ортишига, чегара ҳудудларида турли инфратузилмавий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга, янги иш ўринларини яратишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАЛАКАЛАРИНИ ТАН ОЛИШ БЎЙИЧА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мажлисда “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги глобал конвенцияни (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилмоқда.

Олий таълим соҳасида малакаларни тан олиш глобал конвенцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий таълим бўйича биринчи глобал шартномаси ҳисобланади. Хусусан, у дунё бўйлаб олий таълим муассасаларига кириш ва улар ўртасида мобилликни яхшилаш мақсадида ўқув курслари, таълим тўғрисидаги ҳужжатлар ва малакаларни тан олишнинг универсал тамойилларини белгилайди.

Шартнома муқаддима, 6 бўлим ва 25 моддадан иборат бўлиб, олий таълимдаги малакаларни тан олиш учун адолатли, шаффоф ва камситилмайдиган глобал асосни

яратиш, минтақалараро академик мобилликни кенгайтириш ҳамда талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг малакаларини тан олиш ва уларнинг эркин ҳаракатланишига кўмаклашиш, олий таълимга оид ҳужжатларни тан олишда барча минтақалар учун умумий ва келишилган тамойилларни ишлаб чиқиш унинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ушбу конвенцияни ратификация қилиш олий таълим соҳасидаги малакаларни адолатли, шаффоф ва камситмасдан тан олиш учун асос яратади. Қолаверса, минтақалараро академик мобиллик учун имкониятлар очиб, квалификацияларни тан олиш амалиётини яхшилашга қаратилган универсал тамойилларни жорий қилади.

Шу билан бирга, глобал конвенция талабалар учун бутун дунё бўйлаб таълим ва илмий-тадқиқотларни давом эттириш имконини яратиш билан бирга, унга аъзо бошқа етакчи давлатлар билан таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, уларни оммалаштириш ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

АДЛИЯ ВАЗИРИ АХБОРОТ БЕРАДИ

Адлия вазири парламентга давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишлар юзасидан ахборот беради.

Қонунчилик палатасининг Ҳаракат дастурига мувофиқ, қуйи палата мажлисларида ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар, қонунлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги ишлари юзасидан ахборотлари эшитиб келинмоқда.

Қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида адлия вазири А.Ташқуловнинг “Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сони

467 тага етди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган хизматлар сони эса 771 тани ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, олис ва чекка ҳудудда яшовчи фуқароларимизга давлат хизматлари кўрсатишда айрим муаммолар кузатилмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан адлия вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛАДИ

Президентимиз томонидан шу йил 29 июлда маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган тақдиротда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ҳамда соҳадаги муаммолар парламент даражасида муҳокама қилиб келинмоқда.

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.Шариповнинг “Коррупсияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси ҳамда соҳада коррупция омилларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимида коррупциянинг ҳар қандай шаклига қарши курашиш, соҳани коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш мақсадида рақамлаштириш жараёнларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, олий таълим муассасаларида давлат хизматларини амалга ошириш, талабаларни баҳолаш тизимини шаффоф тарзда йўлга қўйиш, нодавлат олий таълим муассасаларини лицензиялаш ҳамда ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш борасида айрим муаммолар кузатилмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, ушбу масала юзасидан олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИНИНГ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Депутатлар энергетика вазирининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, шу жумладан, қуёш панелларини ўрнатиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги парламент сўровига жавобини кўриб чиқдилар.

Унда келтирилишича, бугунги кунда мамлакатимизда умумий қуввати 4 682 МВт бўлган 12 та қуёш, 5 та шамол электр станциясида “яшил” энергия ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 3 та энергия сақлаш тизими ишга туширилган.

Мамлакатимиз Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вазирик томонидан ҳозирги кунга қадар республикаимизда умумий қуввати 1 857 МВт бўлган қуёш панеллари ва 4 838 минг литр ҳажмли гелиоколлекторлар ўрнатилган.

Натижада 2 210, млн. кВт соат электр энергияси ва 669,7 млн. куб метр газ тежалишига эришилган бўлса, 875 минг куб метр зарarli газларнинг (CO2) ҳавога чиқарилишининг олди олинган.

Бугунги кунда республикаимизда умумий қуввати 770 МВт бўлган қуёш панелларини ишлаб чиқарувчи 7 та қорхона фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада ошган. Қолаверса, қуёш сув иситгичлари ишлаб чиқариш бўйича 5 та маҳаллий қорхона фаолият бошлаган.

Парламент сўровига келган жавобда келтирилишича, бир қанча хорижий компаниялар томонидан Ўзбекистонда шамол генераторлари учун зарур бутловчи қисмлар, шамол парраклари ва минораларини ишлаб чиқарувчи завод қуриш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятининг Зомин туманида шамол парракларини, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида шамол электр станцияси минорасини ишлаб чиқарувчи заводларни қуриш ишлари амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар Ўзбекистонда қуёш фотоэлектр станцияларининг умумий қувватини 9,4 ГВтга етказиш режалаштирилган.

Мажлисда ушбу йўналишда вазирик томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани, шу билан бирга, соҳада ечимини қутаётган айрим масалалар ҳам борлиги қайд этилди.

Депутатлар томонидан бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, қуёш панелларини ўз вақтида ўрнатиш ишларини жадаллаштириш, нафақат қуёш, балки “яшил энергия”нинг бошқа турлари, жумладан, шамол энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида шамол генераторлари, қуёш сув иситиш панелларининг атроф-муҳитга зарарининг олдини олиш, қайта тикланувчи “яшил энергия”нинг аҳамияти ҳақида аҳоли хабардорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб бориш лозимлиги қайд этилиб, энергетика вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТОБЛАНГАН СИЁСИЙ КУЧ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

1991 йил 1 ноябрь куни бўлиб ўтган таъсис курултойида партиянинг Устави ва Дастури қабул қилинди, унинг ижтимоий-сиёсий йўналишлари белгилаб олинди. Шу кундан бошлаб партиямиз мамлакат сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаб, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди, сиёсий куч сифатида тобланиди, катта тажриба тўплади.

Ўтган йиллар давомида партиямизнинг сафлари тобора кенгайди. Бу эса Халқ демократик партияси ғоялари халқ қалбида чуқур ўрин олганидан, унинг ишонч ва қўллаб-қувватловига сазовор бўлганидан далолат беради.

Ўзбекистонда кечаётган янги ислохотлар жараёни партиямиз ғоя ва мақсадларини янада бойитди, мазмун жиҳатдан чуқурлаштирди. Янги тараққиёт босқичида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, барча соҳалардаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш партия фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Шу маънода партиянинг янги рамзи ва логотипи ҳам унинг замонавий дунёқараши, янгиланиш ва ислохотлар руҳини ифода этмоқда.

Мамлакатда ўтказилган Президент ва парламент сайловларида муносиб иштирок этди. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини оширди, мафкуравий ва ташкилий салоҳиятини мустаҳкамлади.

Ташкил этилган илк кунлариданоқ партия ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билиб келмоқда. Шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Халқ демократик партияси — мамлакатимиз сиёсий саҳнасида доимо фаол, доимо халқ билан бир сафда бўлган куч.

Узоқ йиллик тажриба партияни тоблади, ишонч ва салоҳият жиҳатидан янада мустаҳкамлади.

Бу ҳақда партия фаоллари, депутатлар ва ёш аъзоларнинг фикрларини эшитдик.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
партия Марказий Кенгаши аъзоси:

– Партиямиз Ўзбекистон мустақиллиги билан ёшдош. Ўтган йиллар мобайнида у демократик кадриятларни қарор топтиришда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, инсон манфаатларини ҳимоя қилишда муносиб ўрин тутди олди.

Менинг шахсий фаолиятим ҳам партия билан узвий боғлиқ. 2005–2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида ишлаган давримда давлатимиз сиёсий ҳаётида янги босқич бошланди. Бу вақтда икки палатали парламент тизими жорий этилди, унинг ваколатлари ва назорат вазифалари кенгайди. Шу билан бирга, фракциялар зиммасига ҳам катта ишонч ва масъулият юклатилди.

2005–2015 йилларда мен партиямизнинг мафкуравий ва тарғибот ишларига раҳбарлик қилдим. Бу йиллар мен учун ҳам синов, ҳам масъулият даври бўлди. Парламентда тўплаган тажрибамни партия фаолиятида қўлладим, энг муҳими, биз одамлар билан яқин бўлдик.

Маҳаллаларга, хонадонларга кириб бориб, одамларнинг муаммоларини ўргандик, уларга ечим топишга ҳаракат қилдик. Амалий руҳда ташкил этилган бу тadbирлар орқали юзлаб, минглаб фуқароларнинг муаммолари ҳал этилди, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди.

Бугунга келиб, партиямиз айнан ана шу йўналишда — манзили ижтимоий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этувчи сиёсий куч сифатида тўла шаклланди ва етук тажриба орттирди, десам муболаға бўлмайди. Мен партия билан фахрланаман. У мен учун нафақат иш жойи, балки ҳаёт мактаби бўлди. Шу тизимда орттирган тажрибам ҳаётимда катта из қолдирди — менга халқ ичига киришни, унинг дардини ҳис қилишни, юртимиз равнақиға ҳисса қўшиш бахтини ўргатди.

Партиямиз фаоллари ва депутатлари мустақиллигимиз билан қадамма-қадам юриб, ҳар бир ислохотда, ҳар бир янгиланишда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, уларни партиямиз байрами билан самимий табриклайман!



Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш инсонда янги қиррани очади.

Шундай паллалар бўладики, улар инсон тақдирини тубдан ўзгартиради, дунёқарашини кенгайтиради, ҳаётига янги маъно беради.

Бундан 10 йил муқаддам мен партия сафларига қўшилган пайтимда бу қадам менинг тақдиримни шунчалар ўзгартиради, деб ўйламаганман. Партияга аъзо бўлишим менга фақат сиёсий йўлгина эмас, балки инсонларга керак бўлиб яшаш, жамият учун хизмат қилиш йўлини ҳам очди.

2013 йилдан буёнги фаолият мен учун катта мактаб. Аввало, маҳаллий Кенгаш депутатлиги, кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланишимда партиям таянч бўлди.

Партия ичида бўлмасангиз, унинг аҳамиятини тўлиқ ҳис этолмайсиз. Партия билан ҳамнафас бўлсангиз, жамиятдаги ўзгаришларнинг марказида эканингизни англайсиз. Инсонларга ёрдам қилаётганингизни, улар ҳаётига таъсир кўрсата олаётганингизни билиш — бу энг катта мукофот.

Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иш олиб бормоқда. Партия ташаббуси билан “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги муҳим қонунлар қабул қилинди.

Партиямиз атрофига фаол ёшлар ва аёлларни тўплашга муваффақ бўлди. Улар нафақат сиёсий жараёнларда, балки жамиятнинг турли соҳаларида ҳам ўз таъминлаш томоқда. Партия фаолияти орқали мен ҳам, мен каби кўплаб инсонлар ҳам ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришди.

Бугун ХДП сафидаги ҳар бир аъзо жамиятда тенглик, адолат ва инсон қадрини таъминлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, партиямизнинг байрами билан барча партиядошларимни, фахрийларимизни ва партия сафларига кириш ниятдаги ёшларимизни чин қалбдан табриклайман. Биз биргаликда яна кўп эзгу ишларга қўл урамиз.



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон ХДП “Ёшлар қаноти” раҳбари:

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонидаги энг йирик партиялардан бири бўлиб, 1 миллион 200 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштиради. Уларнинг 440 минг нафардан зиёдини ёшлар ташкил этади, бу эса аъзоларнинг қарийб 40 фоизи демакдир.

Партия сафида кўплаб фаол, билимли ва ташаббускор ёшлар етишиб чиқмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламентида 12 нафар, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида эса 20 нафар ёш аъзоларимиз ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бормоқда.

Ёшлар билан биргаликда муҳим йирик лойиҳаларни амалга оширишга интилоқдамиз. “Депутат ва ёшлар”, “Сиёсатдаги ёшлар”, “Ёш сиёсатчи” ҳамда “Ёшларга кўмак” лойиҳалари орқали кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилмоқда. Лойиҳаларимизда ўзини кўрсатган 1000 дан ортиқ фаол ёшлар бугунги кунда республикаимизнинг турли ташкилотлари ва бошқарув тизимларида муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, партиямиз ёшлар ишончи ва имкониятига катта эътибор билан ёндошади. Улар демократик жамият барпо этишда, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига эришишда муҳим таянч вазифасини ўтайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳар доим ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва келажақ етакчиларини етиштириш йўлида самарали фаолият олиб боради.

Ҳаётда энг улугъ бойлик — инсонга бўлган эътибордир. Шу эътибор, шу инсоний меҳр-шафқат бор жойда тараққиёт ҳам, қувонч ҳам, умид ҳам бўлади. Партиямизнинг кучини фақат амалий ишлари ва шиорлар эмас, балки оддий одамларнинг ишончи, миннатдорлиги ҳам кўрсатади.

Бир аёлнинг кўзида қайта ёнаётган умид — бу партиянинг ғалабаси. Бир оиланинг қайта тикланган бахти — бу жамиятдаги эзгу ғоянинг амалий натижаси. Шунинг учун ҳам партия фаолларининг меҳнати — рақам ёки ҳисоб эмас, балки инсон ҳаётига кириб борган эзгу издир.

Партия сафида юрган ҳар бир фаол, ҳар бир депутат, ҳар бир ёш билиши лозим: ҳар бир қулоқ тутилган дард, ҳал этилган муаммо — бу сиёсий иш эмас, инсонпарварликнинг энг олий кўриниши аслида. Зеро, халққа яқин бўлиш — бу лавозим эмас, масъулият, бу сўз эмас, амал.

Халқ демократик партиясининг 34 йиллик тарихи шу ҳақиқатни яна бир бор исботлади: агар сиёсий куч инсоннинг тақдирига бефарқ бўлмаса, демак, у ҳақиқий инсонпарвар партиядир.



Олим РАВШАНОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши
раиси, халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

– Партиямиз одамларнинг қийинчиликларига шерик, яхши кунларида ҳамдам бўлиб келган. Ташкил этилган илк кунлариданоқ партиямизнинг асосий мақсади — инсон қадрини улугълаш, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини яхшилаш бўлган.

Бугун Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 97690 нафар аъзоси бор. Улар орасида 50 минг 319 нафар аёллар ва 33 минг 273 нафар ёшлар борлиги партиянинг кенг ижтимоий қатламга эгаллигини кўрсатади.

Партиянинг вилоят кенгаши ва маҳаллий ташкилотлари фаоллари аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, жойлардаги муаммоларни ўрганмоқда. Тўпланган таклиф ва муаммолар тегишли давлат идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига олиб чиқилмоқда.

Депутатлар ва партия фаоллари ҳамкорликда ёшларни касб-хунарли қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, камбағаллиқни қисқартириш йўналишида қатор амалий ишлар олиб бормоқда.

Бу фаолият натижасида партия нафақат сиёсий куч, балки аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи ижтимоий майдонда фаол иштирокчи сифатида намоён бўлмоқда.

Умуман олганда, партиямиз соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш каби соҳаларда бир нечта муҳим ташаббусларни илгари сурди. “Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи”, “Депутат маҳаллада”, “Эътиборимиз марказидаги ҳудуд” каби лойиҳалар фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам ўз самарасини берди.

Албатта, кўп ишлар қилинди. Бироқ олдимизда янада катта вазифалар турибди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳозир ҳам долзарб. Ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар ижросини таъминлаш — нафақат давлат, балки бутун жамиятнинг бурчи.

Ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугун ҳам, эртага ҳам жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фаоллиқни давом эттиради. Зотан, тенглик, ижтимоий адолат ва ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт яратиш ғояси — партиямиз фаолиятининг асосий устунидир.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ



ИНКЛЮЗИЯ ОРЗУ ЭМАС, ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИГА АЙЛАНМОҒИ ШАРТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат бюджетининг салмоқли қисми айнан ижтимоий ислохотлар учун йўналтирилаётгани, натижада таълим, соғлиқни сақлаш, эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ чора-тадбирлар самарадорлиги ортаётгани ҳаётий ҳақиқатдир.

Камбағалликка тушиб қолиш хавфи мавжуд қатлам ҳисобланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш давлатнинг конституциявий мажбуриятлари сирасига киради. Ҳозирги кунда юртимизда ногиронлиги бўлган ҳамюртларимиз сони бир миллиондан зиёд ва улар учун барча жабҳада тенг имкониятларни яратиш, инклюзия нормаларини амалиётга татбиқ этиш йўлида қилинаётган ишларнинг қамрови кенг. Бу эса ижтимоий ёрдамларнинг манзиллилигини таъминлаб, ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш учун замин яратаётир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан пойтахтимизда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари: ижтимоий ҳимоя ва қонуний кафолатлар" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ана шундай салмоқли ишлар эътироф этилди. Партиянинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, ногиронлиги бўлган иштирокчиларнинг мавзу юзасидан тақлиф-мулоҳазалари тингланди.

Таъкидландики, 2023 йилда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилиши фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини сўзсиз таъминлаш тенденциясини жадаллаштирди. Қисқа вақт ичида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари маҳалла даражасида ҳар бир хонадон аҳволини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг эҳтиёжини аниқлаш ва зарур ёрдамларни кўрсатишда муҳим бўғинга айланди.

Албатта, ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг муҳит яратиш осонлик билан бўлмайди. Бу катта масъулият, самарали стратегия ва изчил амалий қадамларни талаб этади. Шу маънода мамлакатимизда айни соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий базаси тобора мустаҳкамланаётгани, жумладан, 2021 йилда БМТнинг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси ратификация қилингани, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуннинг амалиётга киритилгани инклюзив жамиятни барпо

“

МАМЛАКАТИМИЗДА АЙНИ СОҲАНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАНИ, ЖУМЛАДАН, 2021 ЙИЛДА БМТНИНГ "НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ КОНВЕНЦИЯСИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАНИ, "НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ АМАЛИЁТГА КИРИТИЛГАНИ ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАДИ.

этиш жараёнига янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов бу ҳақида сўз юритар экан, муайян натижалар билан бирга, ечимини қутаётган масалалар ҳам борлигини қайд этди. Айниқса, инфратузилма объектларининг ногиронлар эҳтиёжларига мос эмаслиги, инклюзив таълим ва меҳнат имкониятларининг амалда чеклангани, айрим ҳолларда ижтимоий нотенглик ҳолатлари кузатилаётганига эътибор қаратди.

-Бугунги тадбир орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, қулай муҳит яратишга қаратилган миллий стандартларни ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва партиявий ёндашув асосида янги ташаббусларни илгари суришни мақсад қилганимиз, -деди У. Иноятов. - Ишончим комилки, мана шундай очиқ руҳдаги мулоқот, илмий-назарий таҳлил ва амалий тақлифлар, энг аввало, ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётини сифат жиҳатидан яхшилашга туртки беради.

Мулоқотда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга интеграциясига тўсиқ бўлаётган омиллар, бу борадаги дастурлар ижроси қизғин муҳокама қилинди.



Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

- Ҳар қандай давлат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит даражаси ногиронлиги бор шахсларга нисбатан муносабати орқали ҳам аниқланади. Бу тоифа инсонларга эътибор биргина биноларда лифт ёки пандус ўрнатиш, ойлик нафақасини бериш билангина чегараланмайди. Ҳозирги замон барча фуқаролар, шу жумладан, ногиронлиги бор шахслар учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятларни тақдим қиладиган инклюзив жамиятни яратишни, давлатдан барча дастурларда ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш мажбуриятини талаб этмоқда.

ЎЗХДП сўл қанот партия сифатида ижтимоий тафовутларни камайтириш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни устувор вазифа, деб билади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда асосий учта йўналишга эътибор қаратмоқдамиз. Бу ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда касб-ҳунарга ўқитиш ва ниҳоят, учинчиси, бандлигини таъминлашдир.

Давра суҳбатида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа мутасаддилар билан мазкур масалада ўзаро фикр алмашиб, аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Уларни амалга оширишда депутатларимиз ўз ваколатлари доирасида фаол иштирок этиб, ижроси устидан самарали назорат олиб борадилар, албатта.



Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутати:

-Агар инсон ўзи хоҳласа, гайрати, шижоати ва аниқ мақсад-нияти бўлса, унинг тақдирини яхши томонга ўзгариши мумкин. Ҳаттоки жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам. Бунга ўз ҳаётини мисол қилиб келтиришим мумкин. Қачондир мен ҳам ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакиллари билан бири эдим. Ҳозирги кунда эса ХДП депутати, партия аъзоси сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда оддий кузатувчи эмас, иштирокчи сифатида ўз ҳиссамни қўишига ҳаракат қилиб келялман.

Бугунги тадбирда ногиронлиги бўлган болалар ва ёшлар учун замонавий таълим олиш имкониятларини яратиш борасида ҳам яхши тақлифлар, фикрлар ўртага ташланди. Умуман олганда, нафақат таълим, балки ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда имконияти чекланган шахсларнинг фаоллик

кўрсатишини, меҳнат қилиш ҳуқуқларини рағбатлантиришда илғор халқро тажрибаларни ўрганиб, татбиқ этиш айни зарурат экани яна бир бор тилга олинди. Қарор ва қонун ҳужжатларини қабул қилишда ушбу қатлам манфаатларини ҳисобга олиш, уларни ўз ташвишлари билан ёлғиз қолдирмаслик инсонпарварликнинг, ижтимоий адолатнинг ёрқин мезони экани айтилди.



Олим СУЛТОНОВ,
Ногиронлар жамияти Олмазор туман бўлини раиси:

-Яқинда Тошкент шаҳри туманларида бино ва иншоотларнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун мослашганлиги бўйича навбатдаги мониторингни ўтказдик. Шу мониторинг давомида ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам борлигини амалда кўрдик.

Тадбирда ўз кузатишларимиз ва ўрганишларимиздан келиб чиққан ҳолда ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини кафолатлаш, таълим бериш ҳамда доимий ва даромадли иш билан таъминлаш масаласида ҳақчил тақлифларимизни бердик.

Шуниси аниқки, жамиятнинг, давлатнинг кучли ижтимоий сиёсат тамойилларида қатъийлиги ногиронлиги бор қатламнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишида, уларга муаммо сифатида қарамай, аксинча, ҳар бирини ижтимоий ҳаётга

интеграция қилишда яққол кўринади.

Фарида МАҲКАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

“

ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БУГУНГИ КУНДА АСОСИЙ УЧТА ЙЎНАЛИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАМИЗ. БУ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ, УЛАРНИ МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИНИ ЎРГАНГАН ҲОЛДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ ВА НИҲОЯТ, УЧИНЧИСИ, БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР.



ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Нукус: “БИЗ БИРГАМИЗ!”



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан “Биз биргамиз!” лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейига ногиронлиги бўлган шахслар учун маданий саёҳат ташкил этилди.

Лойиҳанинг мақсади ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда фаол иштирокини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётга интеграция қилиш ҳамда ўзларини муносиб ва тенг ҳуқуқли жамият аъзоси сифатида ҳис этишлари учун шароит яратишдан иборат.

Партия электорати вакиллари билан ўтказилган мулоқотда сўзга чиққанлар ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилаётган имкониятлар нафақат уларнинг ҳаёт сифатини ошириш, балки жамиятда тенг ҳуқуқли мухитни шакллантиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Тадбир давомида иштирокчиларга И.В. Савицкий номидаги давлат санъат музейи тарихига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Фильм орқали улар музей фаолияти тарихи ва мамлакат маданий ҳаётидаги ўрни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Лойиҳа Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва Карлар жамияти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимлари ҳамда бир қатор масъул ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.



Андижон тумани: ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Ижтимоий объектларда яратилган шароитлар, айниқса, иситиш тизимларининг тўлақонли ишлашини таъминлаш масаласи доимо депутатларимиз диққат марказида. Хусусан, қиш эшик қоқаятган шу кунларда бу борадаги муаммоларни тезлик билан бартараф этиш талаб этилади.

Шу мақсадда партиямиздан сайланган халқ депутатлари Андижон тумани кенгаши депутатлари туман тиббиёт муассасаларидаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди.

Маълум бўлишича, тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги муассасаларга 2025-2026 йил куз-қиш мавсуми учун 455,4 тонна импорт ва 117,6 тонна маҳаллий кўмир етказилган. Жами 23 тона янги иситиш қозонлари ўрнатилиб, мавсумга тайёр ҳолатга келтирилган.

Шу билан бирга ўрганишлар давомида айрим муассасаларда иситиш тизими билан боғлиқ муаммолар аниқланган. Масалан, 2-оилавий поликлиниканинг Хортум тиббий пунктида иссиқлик қозони ҳамда иситиш тизими умуман мавжуд эмас. Жевачи тиббий пунктида таъмирлаш ишлари ҳали ҳам якунига етмаган бўлса, Мингўрик тиббий пунктида иссиқлик қозони таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Депутатлар мутасадди ташкилотлар билан боғланиб, мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф этилишини назоратга олдилар.

Жиззах: МАҚСАД — ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ



Чимбой: ДЕПУТАТ 7 ТА ЖУФТЛИКНИНГ НИКОҲ ТЎЙИНИ ЎТКАЗДИ

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ишларга депутатларимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Чимбой туман Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Абадан Утепбергенова томонидан қурилган "Дийдор" номли тўйхонада ўтказилган илк тўй чин маънода меҳр-мурувват ва саховат ифодаси бўлди. Чунки, депутат ўз ҳисобидан "Қизил ўзақ," "Пашентау," "Бахтли," "Дўстлик," "Темир йўл гузари" ва "Кенес" маҳаллаларида яшовчи партия электорати бўлган кам таъминланган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож 7 та жуфтликнинг никоҳ тўйларини ўтказиб берди.

– 2001 йилдан буён тадбиркорлик билан шугулланиб

келмоқдаман. Корхонада олдин 3-4 нафар киши ишларди. Эндиликда ишлар ҳажми кенгайтирилиб, 20 кишининг бандлигини таъминландик. Тижорат банкдан 5 миллиард сўм имтиёзли кредит олиб тўйхонани қуриб битказдим. Шунинг ҳисобидан яна қўшимча иш ўринлари яратилади. Шунингдек, мебель ишлаб чиқариш цехини ҳам кенгайтиришни режалаштиряпмиз, — дейди депутатимиз.

Тўй маросимида Чимбой тумани ҳокими А.Тажетдинов, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Х.Ешимбетов, кўплаб партия фахрийлари ва фаоллари иштирок этди.

Қўшқўпир: ҒАЙРАТЛИ КЕКСАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Юртимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, айниқса, уларнинг фаоллигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиямизнинг дастурий мақсадларида ҳам бу масала муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда халқ депутатлари Қўшқўпир туман Кенгашидаги партиямиз депутатлари ва “Нуроний” жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида кексалар ўртасида шахмат мусобақаси ташкил этилди.

Ушбу спорт беллашувида биринчи ўринни қўлга киритган партиямиз фахрийси Ли Ангелина вилоят босқичида 1-ўринга, республика босқичида эса 3-ўринга сазовор бўлди.

Бу каби тадбирлар кексаларимизнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий фаоллиги ва соғлом турмуш тарзини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.



Олтиариқ: КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ПАРТИЯ ТАШАББУСЛАРИ



Бугунги кунда камбағалликни қисқартириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди.

Партиямизнинг Фаргона вилоят кенгаши томонидан Олтиариқ тумани “Нуронийлар маскани”да “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш: партиявий ёндашув ва амалий ташаббуслар” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига ана шулар хусусида сўз юритилди.

Давра суҳбатига вилоят ва туман кенгаши депутатлари, маҳаллий давлат идоралари вакиллари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик аъзолари иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар ўқув марказларида ўқитиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир якунида мамлакатимизда амалга оширилаётган камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларда партиянинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланди.

Юқори Чирчиқ: “СИЁСАТЧИ АЁЛ – 2025” КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Маълумки, партиямиз сафида хотин-қизлар сони ортиб бораётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошаётгани, депутат аёлларимиз сони кўпаяётгани каби қатор ижобий кўрсаткичлар мазкур кўрик-танловнинг натижаси десақ, муболаға бўлмайди. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу эди.

Юқори Чирчиқ тумани Ахборот-кутубхона марказида “Сиёсатчи аёл – 2025” кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Юксак сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда 25 ёшдан 60 ёшгача бўлган хотин-қизлар иштирок этди.

Танлов иштирокчилари танишув, сиёсий ҳозиржавоблик, хотин-қизлар муаммосини ҳал этишнинг энг самарали йўли каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Қизгин руҳда ўтган кўрик-танловда Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Зулайхо Элибаева ғолиб, деб топилиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса 17-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Анора Бердиева ва туман Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Юлдуз Абдухаликовалар эгаллашди.

Барча ғолиблар ва фаол иштирокчилар диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.



НАВОИЙ ИННОВАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ:

ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР МАРКАЗИ



Жўрабек МАВЛОНОВ,
Навоий инновациялар
университети ректори, сиёсий
фанлар доктори (DSc),
профессор.

Университетнинг вужудга келиши бежиз эмас. Мамлакатимизда инновацион иктисодиётни шакллантириш, янги тараққиёт босқичига чиқиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурияти ушбу таълим даргоҳини барпо этишни тақозо этди. Файласуф Арасту асрлар аввал айтганидек: “Билим илдиэлари аччиқ, аммо мевалари ширин бўлади.” Ҳақиқатан ҳам, бугун олий таълим тизимига татбиқ қилинаётган янгиликлар дастлаб мурраккаб туюлса-да, уларнинг меваси яқин йилларда юртимиз тараққиётида яққол сезилади.

Бугунги кунда университетда 128 нафар ходим фаолият юритмоқда, 4 та кафедрада эса 144 нафар профессор-ўқитувчи ёш авлодга сабоқ бермоқда. Шундан 50 нафари PhD, 10 нафари DSc даражасига эга бўлиб, педагогик таркибнинг илмий салоҳияти 41,6 фоизни ташкил қилади. Университетнинг 13 та таълим йўналишида 9 736 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шу вақтга қадар 1 141 нафар битирувчи давлат дипломини олган бўлса, уларнинг 90 фоизи иш билан таъминланган. Бу эса таълим жараёнининг амалиётга яқинлаштирилганидан далолат беради. Амалиёт масаласига алоҳида

Бугунги глобллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланаётган даврда жамият тараққиёти бевосита инсон капиталининг салоҳиятига, билимли ва малакали мутахассислар тайёрлаш имкониятларига боғлиқ. Энди рақобатбардошлик нафақат табиий бойликлар, балки билим ва интеллектуал куч билан белгиланмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда қатор янги олий таълим муассасалари барпо этилди. Улар орасида 2022 йилда ўз фаолиятини бошлаган Навоий инновациялар университети қисқа муддатда катта салоҳиятини намоён этиб, минтақада таълим ва илмий изланишларнинг етакчи марказига айланди.

этибор қаратилиб, бугунги кунда университет 41 та йлриқ корхона билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Талабалар шу корхоналарда малака ошириб, назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш имконига эга бўлишмоқда.

Ўқув жараёнлари икки бинода олиб борилмоқда. Улар замонавий ўқув хоналари, 555 та компьютер, 49 та электрон доска, 20 та проектор билан жиҳозланган. Шунингдек, физика, кимё, биология, тиббиёт ва энергетика каби соҳалар бўйича замонавий лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

Кутубхона фонди ҳам жадал бойиб бормоқда. Бугунги кунда 43 мингдан ортиқ босма китоб, 25 мингдан зиёд электрон адабиёт мавжуд. 2025 йилда яна 15 мингдан ортиқ янги адабиётлар билан тўлдирилди.

2024 йил 9 октябрь куни Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида Навоий инновациялар университетининг янги кампуси тантанали равишда ўз фаолиятини бошлади. Бугун бу масканда 50 га яқин талаба таҳсил олиб, замонавий билимлар сари илк қадамлари билан университет оиласининг бир қисмига айландилар. Ушбу кампуснинг очилиши нафақат Сурхондарё ёшлари учун, балки бутун жанубий ҳудуд учун катта имконият эшигини очиб берди. Университет истиқболдаги режалари билан ҳам эътиборни тортмоқда.

Университетнинг асосий мақсади – илм-фан ва таълим-тарбия интеграцияси асосида халқаро даражада рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Шунингдек, у замонавий ўқитиш методологияларини жорий этиш, талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш ва илмий изланишларга бўлган қизиқишни оширишни ўз олдига стратегик вазифа қилиб қўйган.

Машҳур файласуф Абу Наср Фаробий шундай деган эди: “Илмни эгаллашда энг аввало инсон ўзини тарбиялаши, сўнгга жамиятга фойда келтириши зарур.” Навоий инновациялар университетининг фаолияти ҳам айнан шу тамойилга таянади. Яъни, бу ерда билим олиш жараёни шахснинг интеллектуал ривожланиши билан бир қаторда, жамият учун фойдали бўлиш масъулиятини ҳам шакллантиради.

Бугунги кунда университетда 16 та бакалавриат йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги фаолият юритмоқда.

Ҳар қандай олий таълим муассасасининг обрў-эътибори, аввало, унинг илмий салоҳияти ва инновацион фаолияти билан белгиланади. Чунки таълимнинг мазмуни нафақат мавжуд билимларни ўқувчи-ёшларга етказишдан, балки уларни янгича фикрлашга, илмий изланишга ва мустақил инновацион ғоялар яратишга ундашдан иборатдир. Шу жиҳатдан олганда, Навоий инновациялар университети қисқа вақт ичида нафақат ўқув жараёнида, балки илмий ва тадқиқот фаолиятида ҳам ўзига хос мактаб яратишга муваффақ бўлди. Университет ҳузурида фаолият юритаётган илмий марказлар, лабораториялар, стартап инкубаторлари ва технологик кластерлар ёш олимлар учун бекиёс имкониятлар эшигини очмоқда.

Машҳур файласуф ва ёзувчи Альбер Камю шундай деган эди: “Келажак бугундан бошланади, лекин уни кечиктириш – энг катта хатодир.” Шу боисдан, университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар жамоаси бугуннинг ўзида келажак учун мустаҳкам пойдевор яратишга интиломоқда. Бу жараёнда замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, таълим дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, талабаларни илмий

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

““

УНИВЕРСИТЕТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИДА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАН ИБОРАТ. ШУНИНГДЕК, У ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ МЕТОДОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ОШИРИШНИ ЎЗ ОЛДИГА СТРАТЕГИК ВАЗИФА ҚИЛИБ ҚЎЙГАН.

изланишга кенг жалб этиш ҳам асосий устуворликлардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, Навоий инновациялар университети келажакда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ҳам нуфузли таълим ва илмий марказ сифатида тан олиниши, ёшларни глобал майдонда муваффақият қозонишга тайёрлайдиган илғор университетлардан бирига айланиши кутилимоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, университет қисқа вақт ичида таълим, илм-фан ва жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллади. У минглаб ёшларни билимли, инновацион фикрловчи ва ташаббускор кадрлар сифатида вояга етказётгани билан қадридир. Демак, бугун бу даргоҳ – илм ва инновация чорраҳаси, юртимиз келажигига йўл очаётган замонавий таълим маркази сифатида эътироф этилади. Зиммамизда катта ва доимий масъулият бор.

ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ЭТ...

КЎНГИЛ ХАЗИНАСИНING ҚУЛФИ

Ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, миллат сифатида, халқ сифатида келажак авлодларимиз учун қолдирадиган бу бебаҳо маънавий мулкни эъозлаш олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Бинобарин, айтиш шартки ҳаққонийки, бу мақсадда давлат раҳбарининг 20 октябрда “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида “2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури” тасдиқлангани алоҳида эътирофга молик.

юртдошларимизни бирдек мамнун этгани шубҳасиз.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда курраи заминимизда икки мингдан ортиқ тил бор ва уларнинг ҳар бири муайян бир эл учун қадрли она тилидир. Демак, ҳар бири ўзининг собит соҳиби, пойдор посбонига эга. Зотан, ўзини, ўзлигини қўришни уddaлай олмаган қавмнинг тили ўзи билан бирга тарих қаърида йўқликка маҳкум бўлганки, бу тиллар эндиликда “ўлик тиллар” номини олган.

Ўзбек тили – миллатимизнинг рамзи. Она тилига эътибор Ватанга ҳурмат ва муҳаббат ифодаси. Ҳар қандай шахснинг, ирқ-у этниқоди, замин-у замонидан қатъи назар, миллий-руҳий мағзини она тили тайин ва таъмин этади.

Шарқда эраимиздан олдинги учинчи минг йилликнинг бошларида Шумерда мактаблар фаолият кўрсатган ва бу мактабларнинг таълим дастурида икки асосий таянч мавжуд бўлган. Уларнинг бири математика, иккинчиси эса она тили ҳисобланган. Бундоқ разм солсак, бугун ҳам шундай: ҳар қандай таълимнинг бош омили инсон руҳий, маънавий олами, миллат қиёфаси ва маънавиятини саломат сақлашдан иборат.

Ўзбек тилининг қадр-қиммати ҳақида сўз борганда,

табиийки, ҳазрат Навоийни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Зеро, буюк мутафаккирнинг тил ва Ватан шаъни йўлидаги хизматлари улғудир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бу хусусида шундай деган эди: “Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик – мана генийларни бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлиқ барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани – жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шевадарда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни адабий тил доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъат ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукамал шаклланишига эришди”.

Шу боис ҳам биз Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси, деб биламиз. У тилимининг маъно қудрати ва сеҳр-у жозибасини дунё миқёсида намойиш эта олди. Шоирни “ўзбек адабий тилининг байроқдори”дебгина эмас, тил орқали туркий халқларнинг ўзлигини кашф этган аллома ижодкор сифатида кўраимиз. Алишер Навоий асарларининг тили – ўлмас ғоялар тасвирланган тилдир.

Дунёда камситиладиган тил

йўқ. Ҳаммаси ҳам ўзича гўзал ва ардоқли. Бир тилни улуглаб, бошқасини меъсимаслик эл эркига зуғум ўтказишдек ёвузлик саналади. Маълумки, Навоий даврида туркийга қараганда форсий шеърят ривожланган. Туркий шеърятнинг нисбатан суст олға силжишига эса қалам ахлининг кўпроқ ўз тилидамас, форсийда ижод қилишлари ҳам сабаб бўлган. Алишер Навоий “Мўҳокамат ул-луғатайн” асарида ушбу масалага омманинг диққатини тортиб, қуйидагиларни ёзади: “Бу халқ (яъни туркий халқ) орасида пайдо бўлгон таъб ахли (ижод ахли) салоҳият ва таъбаларин... (истеъдодларин) ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди... ва агар иккаласи тил билан айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди... Ва агар муболага қилсалар, иккаласи тил билан тенг айтсалар эрди”.

Шоир бир ўринда: “Кўнгил хазинасининг қулфи тил ва у хазина калитини сўз бил”, деб ўгит берса, бошқа жойда сўзни кўнгилнинг жавҳарига қиёслайди. Унингча, сўз шундай бир буюк, ҳатто илоҳий кучки, у ўлган одамнинг танасига руҳ бағишлаши ёки, аксинча, тирик руҳни ҳалок айлаши мумкин.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок, Руҳ дағи тан аро сўздин ҳалок.

Сўзнинг эътиборлиси ва яхшиси – чин сўз. Энг ёмони – ёлғон. Рост айтиб, тўғрилиқнинг тарғиботчиси бўлганлар – доно ва виждонли кишилар. Риёкорлар – алдамчи, маккор, ҳақиқат олдида юзлари қора кимсалар, деб баҳолайди буюк мутафаккир. Ёлғончилар сири фош бўлган, эл унга бошқа ишонмай қўяди. Бу тўғрида “Маҳбуб ул-қулуб”да шундай ёзилган: “Кимники сўзи ёлғон, ёлғонлиги билинган, уятга қолгон; ёлғонки чиндек сўзи ёлғон, гапирувчи сўз устамони кумушга олтин қопловчи заргар...”

Ўзбек тилининг кенг имкониятларини, тарихини, ўзига хослиги ва тадрижий ривожини, сўз қудратини бугун ўсиб келаётган авлод онгига сингирмоқ учун ҳам Навоий ижодиётини чуқур тарғиб этмоқ керак. Тўғри, кадрлар тайёрлашда хорижий тилларни ўргатишга устувор эътибор қаратилмоқда. Бу замонавий дунёда айтиш мумкин. Аммо, чет тилларни ўрганиш ҳеч қачон ўз она тилимизни эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ёшларимизда миллий қадриятларимизнинг ёрқин тимсоли бўлмиш ўзбек тилига меҳр ва муҳаббатни сайқал топтирмоқ керак. Глобаллашган дунёда ўзлигимизни, ўз ўрнимизни, Навоийдан мерос қолмиш сўз мулкни асрлар оша сақлаб қолиш учун ҳам шундай қилмоқ керак!

Гулбаҳор АШУРОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
доценти,
Фузулий номидаги илмий
тадқиқот маркази раҳбари.

ЮНЕСКОНИНГ 14-ЁШЛАР ФОРУМИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур муҳим халқаро тадбир доирасида Самарқанд шаҳрида “Иқлим ҳаракати ва унинг ижтимоий таъсири, айниқса, ёшлар учун” мавзуида ЮНЕСКОнинг 14-Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ давлатдан 150

нафар ёш етакчилар, эксперт ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган форум навқирон авлоднинг иқлим ўзгаришларига қарши курашдаги фаол иштирокини қўллаб-

қувватлаш, уларнинг ғояларини глобал миқёсда илгари суришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Форумнинг очилишида ЮНЕСКО Бош директорининг ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ёрдамчиси Лидия Брито, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Креатив иқтисодиёт ва туризм департаменти бошлиғи ўринбосари Элмурод Нажимов, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги бош директори Алишер Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

– Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият соҳалари билан бир қаторда экологик масалалар бўйича чақириқ ва даъватларини қўллаб-қувватлаб, бу борада қатъий позициясини намоён этиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги бош директори А. Саъдуллаев. – Буни 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт йили” деб номлангани мисолида ҳам кўриш мумкин. Йил номидан келиб чиқиб тасдиқланган Давлат дастури асосида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил бошида Президентимиз ташаббуси

билан илк бор Орол маданияти саммити ўтказилди, дунёнинг турли давлатларидан ёшларни бирлаштирган “Орол мактаби” таълим дастури ишга туширилди.

Тадбирда турли давлатлар вакиллари иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва экологик муаммоларнинг ечимлари бўйича ташаббус ва ғояларини илгари суришди ва инновацион ечимларни ҳам таклиф этишди. Республикамиз вакили Гулназ Абутова Қорақалпоғистон мисолида Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, мазкур ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Эътиборли жиҳати, ёшлар форумида муҳокама қилинган масалалар, ўртага ташланган ташаббуслар ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси тадбирларида эътиборга олинади, турли халқаро ташкилотлар вакиллари ва давлатлар делегациялари иштирокида куриб чиқилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири,
Самарқанд шахри.

ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ЁШЛАР НИГОҲИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ойнинг бошида қардош юрт – Озарбайжоннинг Габала шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик” мавзусида саммит бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Хўш, туркий дунё мамлакатларининг ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларини белгилаб берган ушбу муҳим воқелик юзасидан ёшларимиз қандай фикрда?

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги “Ёш шарқшунос дипломатлар” клуби аъзоларига шу савол юзландик.



Шарофиддин ШАРИПОВ,
талаба, клуб аъзоси:

— Тезкор, хавфсиз ва арзон транспорт йўлаклари ҳар бир минтақанинг иқтисодий ва сиёсий мавқеини белгиловчи асосий омил. Айниқса, Ўрта коридор — Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим стратегик йўлак сифатида Туркий давлатлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Таъкидланганидек, Ўрта коридор ҳозирда қурилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва истиқболли Трансафғон йўлаги билан боғланса, кенг минтақамизда кўп тармоқли, стратегик магистраллар тизими яратилади. Ушбу йўлак орқали Европа ва Осиё ўртасидаги юк ташиш вақти 35-40 кундан 12-15 кунгача қисқаради. Бугунги кунда коридор бўйлаб ташилаётган

юк ҳажми 7 миллион тоннага яқин, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 20 миллион тоннага етиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтадиган янги темир йўллар минтақанинг геоиқтисодий марказга айланишини жадаллаштиради. Ўзбекистон учун бу нафақат кўшимча транзит даромадлари, балки янги иш ўринлари ва логистика марказларининг ривожланишини ҳам англатади. Масалан, фақатгина Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси ишга тушса, йилига 5 миллион тоннагача юк оқимини қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Туркий дунё учун эса Ўрта коридор умумий савдо ҳажмини ошириш, энергия ресурслари ва товарларни тезкор етказиб бериш ҳамда глобал логистика занжирида муҳим ўрин эгаллашга хизмат қилади.



Азамат ИЗЗАТУЛЛОЕВ,
талаба, клуб аъзоси:

— Бугун туркий давлатлар маконида 200 миллионга яқин аҳоли яшайди, шундан қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Демак, туркий дунё келажаги айнан ёшлар қўлида. Улар бугунги яратувчи куч, эртанги тараққиётнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, ёшлар онгини соғломлаштириш, уларни маънавий барқарор ва ижтимоий фаол шахслар сифатида тарбиялаш кун тартибидagi асосий масалардан биридир.

Туркий давлатлар маконида экстремистик ва радикал мафкурага қарши курашишга қаратилган Ҳаракатлар режасини қабул қилиш ташаббусини бугунги ёшлар келажаги учун жуда муҳим қадам, деб айтиш мумкин.

Зеро, ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш, миллий қадриятларга ва маънавий меросга ҳурмат туйғусини ошириш орқали уларни ҳар қандай ёт ғоялардан асраш бугун ҳар қачонгидан долзарб.



Санжар АБДУРАЗЗОҚОВ,
талаба, клуб аъзоси:

— Глобал рақобатда энг катта устунлик — бу билим ва инновация. Туркий давлатлар учун ҳам илм-фан соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш нафақат иқтисодий ривожланиш, балки маданий ва сиёсий яқинлашувнинг асосий омилига айланмоқда. Ўзбекистоннинг 2025-2026 йилларда Туркий университетлар иттифоқига раислик қилиши бу соҳадаги масъулият ва имкониятларни янада кенгайтиради. Иттифоқ таркибида ҳозирда 100 дан ортиқ университет фаолият юритмоқда, улар орасида бир қатор нуфузли таълим масканлари бор. Бу ташаббус натижасида талабалар ва профессорлар ўртасида академик алмашинувлар кенгайиб, ягона таълим стандартларини

ишлаб чиқишга замин яратилади. Яқин орада Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Иттифокнинг Бош Ассамблеясида “Туркий илм-фан ва инновациялар кунлари”ни ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбир туркий мамлакатлар олимлари, тадқиқотчилари ва стартап лойиҳалари учун очиқ мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда Туркий давлатлар халқаро университети фаолиятини бошламоқда. Университет муҳандислик, логистика, агротехнология ва ахборот тизимлари йўналишларида ихтисослашган бўлиб, бу ерда илмий-тадқиқотлар билан бирга амалий инновация лабораториялари ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтидорли ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очиб, туркий дунёда ягона илмий-интеллектуал маконни шакллантиради.



Машхура НОРМАЕВА,
университет ўқитувчиси,
“Ёш шарқшунос дипломатлар”
клуби раҳбари:

— Дунё бўйлаб иқтисодий рақобат ва геосиёсий зиддиятлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончли ҳамкорлик тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шартига айланмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Габала шаҳрида ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити тарихий аҳамият касб этди. Туркий дунёдаги бугунги барқарор муҳит — ўзаро ҳурмат, суверенитетга дахлсизлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилларига асосланган қадриятлар натижасидир. Аҳамиятли жиҳати, бугунги глобал низолар кучайиб бораётган вазиятда туркий давлатларнинг бирортасида бир-бири билан ўзаро низо ёки зиддият мавжуд эмас. Бу ҳолат ТДТнинг моҳиятида тинчлик, барқарорлик ва дўстлик ғоялари мужассам эканлигини исботлайди.

Саммитда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш ташаббуси мана шундай биродарлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаб, келгусидаги ҳамкорликнинг изчиллигини белгилаб беради.



Маржона ЖУМАЕВА,
талаба, клуб аъзоси:

— Жаҳон иқтисодиёти шиддатли равишда ўзгармоқда. Рақобатнинг ортиши, халқаро бозордаги янги тенденциялар ва минтақавий бирлашув жараёнларининг кучайиши ҳар бир мамлакатдан ташқи иқтисодий сиёсатга янгича ёндашувни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва унинг институционал асосларини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифасидир.

Габала саммитида Туркий давлатларнинг иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгаши тузиш ва унинг Лойиҳа офисини Тошкент шаҳрида жойлаштириш таклифи билдирилди. Президентимизнинг бу ташаббуси Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий интеграцияга қаратилган янги босқичдаги фаол позициясини намоён этади. Амалда бу таклиф туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий қонунчиликни яқинлаштириш, савдо тўсиқларини қисқартириш ва қўшма саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун муҳим платформа бўлади. Зеро, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси изчил ўсмоқда. 2023 йил якуни бўйича ўзаро савдо ҳажми 25 фоизга ўсиб, 10 миллиард доллардан ошди. Бу кўрсаткич интеграция истиқболидаги саъй-ҳаракатларининг ёрқин натижасидир.

ЛОЙИҲА

УЗОҚ УМР КАЛИТИ – ФАОЛ ҲАЁТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШДА

Меҳр-мурувват кўрсатиш аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъана ҳисобланади. Сўнгги йилларда бундай қадриятлар янада равнақ топиб, кенг кўламда намоён бўлаётгани қувонарли. Бағрикенглик, инсонпарварлик, эътибор ва ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганидан кўпчилик мамнун. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари қўлай шароитлар яратилаётганидан фахр ва ифтихор ҳиссини туюётгани айни ҳақиқат.

Шунга монанд Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимизда “Узоқ умр калити – фаол ҳаёт ва соғлом турмушда” лойиҳаси доирасида турли спорт мусобақалари ташкил қилинмоқда. Маданий, маърифий ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилаяпти.

Ана шундай анжуманлардан бири Денов туманидаги 48-умумтаълим мактабида

ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши ҳамда тегишли соҳалар ҳамкорлигидаги шахмат-шашка турнирида 20 нафарга яқин нуронийлар ўзаро беллашди.

– Ҳозирги кунда ҳудудда 38 минг 500 нафардан ортиқ пенсионерлар истиқомат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. – Пир-у

бадавлат инсонларнинг 1 минг 300 нафарга яқини 80 ёшни қарши олган бўлса, 90 билан юзлашган отахон-у онахонларимиз 300 нафардан ортиқни ташкил қилади. Бир аср – 100 ёшдан ошганлар эса 12 нафар.

Ўзига хос турнирни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад кексаларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини яхшилаш, жисмоний фаоллигини ошириш ҳамда маънавий оламини бойитишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва оммавийликни таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятли ҳисобланади.

– Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш фаолиятимиз мезонига айланиш лозим, – давом этади халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Муҳаммади

Абдураимов. – Оққўнгил ва фидойи инсонларнинг маслаҳатлари ёш авлодга ибрат мактаби бўлиши табиий. Миллат келажаги ва эртамиз эгалари бўлган ёшлар биздан ўрناк олишлари турган гап. Шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, ҳамкор ташкилотлар билан маънавий-маърифий тадбир ва спорт мусобақаларини мунтазам ўтказишга келишиб олдик. Бундай эзгу амаллар ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонаман. Мурасасиз кечган баҳслар ҳакамлар томонидан муносиб баҳолаб борилди. Яқунда иштирокчиларга Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ЯНГИЛИК

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР УЧУН МАДАД

Одатда моддий таъминоти барқарор ва тўқис оилалар боғча ёшидаги фарзандларини нодавлат мактабгача таълим муассасаларига бериш имкониятига эга. Чунки ўзаро рақобат муҳитида энг замонавий шарт-шароитларни яратиб, таълим-тарбияда энг илғор усулларни ваъда қилаётган бу турдаги боғчаларда ойлик тўлов кўп ҳам кичкина суммада бўлавермайди. Айниқса, марказий шаҳарларда бундай тўловлар ҳатто ўртача бир оиланинг ойлик даромадига тенглиги сир эмас.

Эндилиқда эса нодавлат боғчаларга кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бориши мумкин. Бошқача айтганда, «Камбағал оилалар реестри»даги оилаларнинг фарзандлари оилавий боғчаларга борса, ота-оналар тўловининг 40 фоиз қисми давлат ҳисобидан қопланади. Агар бу тоифадаги тарбияланувчилар белгиланган миқдордан ошиб кетса, компенсация кетма-кетлик асосида

берилади.

Ўтган ҳафтада «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг фарзандларини қабул қилган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ушбу болалар таъминоти учун ота-оналар тўловининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом давлат рўйхатидан ўтказилди.

Низом оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган «Камбағал оилалар реестри»га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун ота-оналар тўловининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

Бунда барча зарур маълумотлар «Болалар боғчаси» мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали шакллантирилади ҳамда «Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш» ахборот тизимига узатилади.

Ота-оналар тўловининг бир қисми давлат бюджетидан қоплаб бериладиган айрим тоифадаги



оилаларнинг фарзандлари рўйхати «Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш» ахборот тизими орқали автоматик равишда шакллантирилади.

Компенсация оилавий МТТга ҳақиқатда қатнаётган айрим тоифадаги оилалар фарзандлари сонидан келиб чиқиб, бироқ Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан оилавий МТТ ўртасида тузилган битимда белгиланган ўринларнинг 15 фоизидан кўп бўлмаган қисмига ажратилади.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?



АРХЕОЛОГЛАР 500 ЙИЛДАН КЕЙИН ЕР ОСТИДАН НИМАЛАРНИ ТОПИШАДИ?

XXI аср саноатлашиш ва шаҳарсозлик чўққисига етган давр ҳисобланади. Қаерга қараманг, бунёдкорлик, ишлаб чиқариш суръатини кўрасиз. Ривожланишнинг олтин даврида яшаямиз. Инсон яшаши учун барча қўлайликларга эга бўляпти, лекин ўз эҳтиёжидан ортиғини хоҳлаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Мисол учун, гардеробимизда етарли кийим-кечагимиз бўлишига қарамай, қўлимизда пул бўлса, янги кийим харидага ошиқамиз. Статистикага кўра, дунё микёсида ҳар йили 2 миллиард дона футболка сотиб олинар экан. Қолган турдаги кийим-кечалар, маиший маҳсулотлар хариди ҳам бундан кўп бўлса, кўп, асло кам эмас. Демак, талаб борки, ишлаб чиқариш давом этмоқда.

Албатта, янги буюм сотиб олингач, эскилари ўз-ўзидан чиқитга чиқади. Яхшиямки, чиқиндилар муаммосини ҳал қилишнинг энг самарали усули – қайта ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда. Биз чиқиндига ташлаган пластик идишлар, шиша, қоғоз, матолар қайта ишланади. Қизиқ, балки ҳозир сув ичяётган идишимиздан олдин кимдир фойдалангандир, ёзаётган қоғозимизга кимдир ўхшамаган шеърлар ёзгандир. Аммо бу маҳсулотларни фақатгина 2–3 мартагина қайта ишлаш мумкин.

Шундай чиқиндилар борки, уларни инфекция ва касаллик сақлайдиган (тагликлар, ярқилик мuddати тугаган дорилар, ишлатилган шприцлар ва бир марталик ҳимоя воситалари) ёки портловчи (батарея, аэрозоль) хусусияти туфайли қайта ишлаш мумкин эмас. Бу турдаги чиқиндилар ўзидан газ чиқаргани сабабли ёқиш тақиқланган, сувга ташлаш эса сув ости жонотларига хавф туғдиради. Ягона чора — аҳоли яшаётган ҳудудлардан олис ерга кўмиш.

Илм-фанда “деградация” атамаси мавжуд, яъни, бу бир модданинг табиий ёки сунъий жараёнларда кимёвий, физик ёки биологик ўзгаришларга учраб, сифати ёмонлашиши ёки парчаланишидир. Юқорида айтилган қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндиларнинг ерга кўмилгандан кейинги даври бу ҳолатга мисол бўлади.

World Bank тадқиқотларига кўра, ҳар йили 2 миллиард тонна қайта ишлаб чиқариб бўлмайдиган чиқиндилар ер остига кўмилади.

Биргина тиббиётда кенг фойдаланиладиган шприцларни олайлик. Улар пластик ва резина хом ашёси асосида ишлаб чиқарилади. Бу эса шприцларнинг камида 500–1000 йил давомида деградацияга учраши мумкинлигини англатади. Узоқ вақт давомида ер остида турган чиқиндилар эриб, ўзидан газ ишлаб чиқаришни бошлайди. Ривожланган давлатлар бундан ҳам самарали фойдаланиш йўлини топган, яъни, иссиқлик ишлаб чиқариш учун чиқиндилардан ажралиб чиқаётган газлардан фойдаланади. Лекин аксарият ўлкаларда ҳали бу усул қўлланилмайди.

Ерга кўмилган чиқиндилар эса тупроқ унумдорлигини пасайтиради.

Музейга борганимизда, қазилма ишлари орқали археологлар томонидан топилган қадимий буюмларни, қурол-аслаҳаларни кўраимиз. Булар чириш жараёни узоқ давом этгани сабабли асрлар мобайнида бизгача сақланиб қолганларидир. Энди тасаввур қилинг, агар қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар муаммосини бартараф этишнинг бошқа йўлини топмасак, 500 йилдан кейин археологлар ер остидан нималарни топишар экан?! Беш асрдан кейин музей экспонатлари орасидан шприц ва батареялар ҳам жой олармикан, нима дейсиз? Балки келажақ авлод учун булар ҳайратланарли бўлар... Тарих эса такрорланади.

Жавоҳир НЕЪМАТОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1037. 1585 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda